

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Юлчиев	
Ўзбек шеърлятида лирик хронотопнинг ривожы	77
Г.Орипова	
Мустақиллик даври ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоди ањаналари ва ўзига хосликлар	82
А.Акбаров	
Немис адабиётида Абулқосим Фирдавсий қисматининг бадий талқинларига доир.....	87

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Турғунов	
Наманган болалар фольклорида доимий ўйинлар ва уларнинг локал хусусиятлари.....	92
А.Бердиалиев	
Тил бирликларидро парадигматик ва синтагматик муносабатлар масаласига оид мулоҳазалар	96
М.Абдупаттоев, С.Зокирова	
Конгруэнтлик ҳодисаси ва унинг контрастив лингвистикадаги ўрни	101
Д.Ашуrow	
“Алпомиш” достонида қўлланилган ўхшатишларнинг лингвокультурологик хусусиятлари	104

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Д.Саимназарова	
Чет тилда матнни идрок этиб тушуниш хусусида	108
А.Асимов, М.Ғофурова	
Масаланинг қисқа ёзуви устида ижодий ишлаш	111

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Т.Шадманов	
1917-1941 йилларда Ўзбекистонда зичлаш ва зичланиш уй-жой муаммосини ҳал қилиш шаклларидан бири сифатида	115
С.Маннопов, А.Қамбаров	
Фаргона-Тошкент мақом йўналишининг фалсафий масаласига доир.....	118
С.Содиқов	
Фуқаролик жамиятига доир мумтоз назарияларнинг ривожланиши	120
Н.Усмонов	
Урбанизация ва ижтимоий ривожланиш.....	123
Н.Маҳмудова	
Исломий қоидаларнинг бадий талқини.....	126
Ж.Дилмуродов	
А.Ж.Крониннинг «the citadel» асарини инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш муаммолари	128
Н.Эргашева	
Инглиз тили Америка варианты грамматикасининг айрим хусусиятлари	130
Н.Хошимова	
Ассоциациялар индивидуаллигининг ташқи омиллари.....	134
Р.Абдуллаева	
Когнитив тушунчалар ва уларнинг мазмун-моҳияти.....	137
Л.Тешабоева	
Ўзбек ва инглиз адабиётида рамзий маъно ҳамда унинг хусусиятлари.....	140
Г.Эшбекова, Г.Ҳамроқулова	
Тарих фанини ўқитишда ишчи дафтардан фойдаланишнинг аҳамияти	142
Д.Абдурахмонова	
“БОБУРНОМА”нинг янги немисча таржимаси хусусида.....	145

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Фидоий олим	148
--------------------------	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

БИБЛИОГРАФИЯ	150
---------------------------	-----

УДК: 7.032.1+781.1

ФАРҒОНА-ТОШКЕНТ МАҚОМ ЙЎНАЛИШИНING ФАЛСАФИЙ МАСАЛАСИГА ДОИР

С.Маннопов, А.Қамбаров

Аннотация

Мақолада Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг шаклланиш тарихига доир фикрлар таҳлил этилган. Шунингдек, Ўрта Осиё мутафаккирларининг мақом ҳақида ёзган рисоалари миллий мусиқа маданиятини ривожланишидаги роли ёритиб берилди.

Аннотация

В статье анализируются идеи об истории формирования способов исполнения Ферганско-Ташкентского макома. Раскрыта роль в развитии музыкальной культуры трудов мыслителей Средней Азии о макоме.

Annotation

The article analyzes the views on the formation of the status of Macom Fergana-Tashkent's direction, as well as the brochures of thinkers of Central Asia on Macom and the history of the development of the role of music culture.

Таянч сўз ва иборалар: санъат, тарихий қўлёмалар, мусиқий маданият, мусиқий фикр давомийлиги, мусиқий эстетика, шакл ва мазмун, ҳаёт мазмуни, анъана ва тизимлилик.

Ключевые слова и выражения: искусство, исторические рукописи, музыкальная культура, непрерывность музыкальной мысли, музыкальная эстетика, форма и содержание, смысл жизни, традиции и системность.

Keywords and expressions: art, historical manuscripts, creativity, music culture, musical heritage, thinking, music aesthetics, form and content, lifestyle, traditions and system.

Ўзбекистон миллий қўшиқчилик санъатининг ўрганилиш тарихини таҳлил қилиш учун мозийга қайтиш жоиздир. IX асрга келиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида профессионал қўшиқчилик санъатининг назарий-услубий ва амалий масалаларини ишлаб чиқиш ривожланиб борди. Тарихий қўлёмалар, Ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда чоп этилган адабиётлардаги маълумотлар шундан далолат берадики, Ўрта Осиё Уйғониш даври маданиятида ўзбек халқлари миллий қўшиқчилик санъатининг ўрни беқиёс бўлганлигини ўша давр тадқиқотчи олимларнинг ишларида яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбек мусиқа маданияти анъаналарга бой, унинг жанрлари ҳам хилма-хил бўлган. Шулардан бири мақом санъати бўлиб, у ўзбек мусиқа меросининг асрлар давомида ривожланиб, такомиллашиб келаётган йўналишларидан бири.

Мақом — оҳангга жойлашган тафаккурдир. У қоғозга битилмаган, тошга ўйилмаган китобдир. Уни на араб босқини, на Доронинг исфохоний шамшири, на мўғул хоқонларининг шиддатли сафи йўқ қила олди. Мана шу жангу жадаллардан омон чиққан сеҳрли наволар ҳамон одамларни ўйлашга, ўтмиш, бугун ва келажак ҳақида хаёл суришга ундайди. Унинг оҳанглари она заминга меҳр уйғотади[2,35].

Мақомларга оид назарий ва мусиқий-

эстетик масалалар Абу Юсуф Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий ва Форобий (IX-X асрлар), Абу Али ибн Сино ва ибн Зайла (XI аср), Сайфиуддин ал-Урмавий (XIII аср), Маҳмуд аш-Шерозий ва Абдулқодир Мароғий (XIV аср), Абдурахмон Жомий ва Зайнуллобиддин Ҳусайний (XV аср), Нажмиддин Кавкабий Бухорий (XVI аср), Дарвишали Чангий (XVII аср) каби олимларнинг мусиқий рисоаларида тадқиқ этилган. Жумладан, XV асрнинг йирик мутафаккир шоири Абдурахмон Жомий ўзининг “Музыка ҳақида”ги рисоласида Форобийни Шарқнинг йирик мусиқашунос олими сифатида тилга олади[3,30].

Ўрта Осиё Уйғониш даврининг буюк комусий олими Абу Наср Форобий ўзининг сермахсул ижоди давомида қўшиқчилик илми билан жиддий шуғулланган. Мусиқашуносликнинг барча категориялари Форобийнинг “Китоб ал мусиқи ал-Кабир” асарида ҳар томонлама таҳлил қилинган. Мазкур асар иккита катта қисмдан иборат бўлиб, учта китобда баён қилинган. Биринчи китобда мусиқий билимнинг усул-қоидалари ва унга боғлиқ жиҳатлар, иккинчи китобда эса ўз даврининг замонавий мусиқа асбоблари ҳақида фикр юритилади, учинчи китобда турли хил товушларнинг оҳанглари ҳақида маълумот берилди.

Ибн Сино мусиқа бобида Форобийнинг илмий йўналишини давом эттирган йирик назариётчидир. Унинг “Мусиқа илмига оид тўплам” асари “Китоб аш-Шифо”нинг бир қисми бўлиб, “ан-Нажот”,

С. Маннопов — ФарДУ профессори.

А. Қамбаров — ФарДУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

“Донишнома”ларда мусиқа ҳақида кичик бўлимлар мавжуд. Шунингдек, “Тиб қонунлари”, “Рисолаи ишқ” каби асарларида ҳам мусиқага тегишли бўлган фикрлари баён этилган.

Форобий билан Ибн Сино мусиқанинг назарий жиҳатдан таҳлил қилишган бўлса, Маҳмуд аш-Шерозий ва Абдулқодир Мароғий, Жомий ва Зайнуллобиддин Хусайний, Нажмиддин Кавкабий Бухорий, Дарвишали Чангий каби мусиқашунос олимлар ўзларининг асарларида анъанавий мусиқа санъатига асос солдилар. Шулардан бири миллий мусиқа санъатининг мақом жанридир.

Мақомлар ўзбек мусиқа меросида жуда катта ўрин тутди. Улар қадим замонлардан бери ривожланиб келаётган ўзбек халқ профессионал мусиқа санъатининг ютуқларини ўзида мужассамлаштирган. Мақомлар халқ мусиқаси санъати таъсирида фольклор ривожига ва умуман ўтмишнинг мусиқий меросига ижобий таъсир қилди. Ўз навбатида, турмуш тарзи, урф-одати бир бўлган, қони қонига, дили дилига туташган Хоразм, Бухоро, Фарғона халқларининг санъати ва маданияти бир хил асосда эканлигини кўрсатади. Мақомлар ривожланиш жараёнида шаклан ва мазмунан ўзгариб борган. Даврлар ўтиши билан бастакорларнинг, хонанда ва созандаларнинг жуда катта изланишлари, сайқал беришлари натижасида мақом йўллари мукаммаллашиб, яхлитлашиб келди.

Ўрта Осиёнинг хонликларга бўлиниб кетиши, бир томондан, мақом санъат туридаги умумийлик, бирлик ва яхлитликка таъсир қилган бўлса, иккинчи томондан, миллий кўшиқчилик санъатининг мақом йўналишида янгича усул ва йўллар, ўзига хосликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Кейинги йилларда мақомлар устида олиб борилаётган изланишлар ва тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, Хоразм, Бухоро, Фарғона-Тошкент мақомлари ўзига хос йўналишлари билан ажралиб туради.

Мазкур мақолада Фарғона-Тошкент мақом санъатининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи тўғрисида фикр юритилади. Авлоддан авлодга, устоздан шогирдга оғзаки ўтиб, бизгача етиб келган мақомларнинг шаклланиши ва тараққиётига ҳар бир авлод, ҳар бир созанда, хонанда ва бастакор ўз ҳиссасини қўшган. Шу сабабли, мақомларнинг куй тузилишида, уларнинг номланишида ва мақом йўлларида учрайдиган доира усулларида турли тарихий ҳаёт шароитлари чуқур из қолдирган [4,9].

Ўз моҳиятига кўра Фарғона–Тошкент мақом йўллари Бухоро шашмақоми, Хоразм олти ярим мақомлари ёки бошқа бир тизимнинг кўчирмаси эмас, балки муштарак мақомат негизида ерлик созанда ва бастакорлар томонидан ишланган шаклидир. Мазкур санъат тури мураккаб ва мукаммал бўлиб, ижрочилардан жуда катта маҳоратни талаб қилади. Мақомларнинг ашула йўллари асосан Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Жомий, Бедил ва бошқа буюк шоирларнинг ғазаллари, шеърлари, айрим ҳолларда эса панд-насиҳат, ахлоқий-диний мазмундаги матнлар куйланган.

XVIII асрнинг охирига келиб, Қўқон хонлигининг алоҳида давлат сифатида таркиб топиши Фарғона – Тошкент йўналишида мақом санъатининг ривожланишига катта ва ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, Амир Умархон (1822-1842) ва унинг ўғли Муҳаммад Алихон (Мадалихон) даврида Қўқонда шоир, созанда ва ҳофизларга кенг шароитлар яратилган. Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ўша даврда Худойберди устоз хон саройида ҳофиз ва созандаларнинг бошлиғи бўлган.

Мақомларни сарой маросимларидан ташқарида, нафис санъат ўрнида ишлатиш Умархон ва Мадалихон ҳукмронлиги давридан кейин санъатга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Қўқонда таниқли мақом санъатининг устозлари қатл қилиниб, созандаларнинг таъқиб остига олиниши Фарғона – Тошкент йўналишидаги мақом санъатининг дунёвий санъат сифатида кенг ривожланишига тўсқинлик қилди. Натижада, мақом санъатининг асосан диний тарафга қаратилиши, зикр маросимларида қўлланилиши ёки катта ашула услубида ижро этилиши кўпроқ ривожланди.

Фарғона – Тошкент услубида диний ва дунёвий тарздаги ва ашулалар бир-бирига тутшиб кетган муштарак тизимни ташкил этганлиги кўзга ташланади. Уларни ижро этувчилар ҳам ягона доирада фаолият олиб борганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ҳудудида миллий кўшиқчилик санъатининг тараққиёти Ашурали Маҳрам, Саъди махсум, Матҳолиқ қизиқ (ҳофиз), Зокир эшон Рустам Меҳтар ўғли, Мискин қилич, Муҳаммад Раҳимхон-2 (Феруз) ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ. Айниқса, Фарғона – Тошкент мақом санъати ривожланишида Ашурали Маҳрамнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ашурали Маҳрам ўзининг хушовозлиги билан Фарғона водийси ва Тошкентда жуда машҳур бўлган. Ҳатто Қўқон хони Худоёрхон ҳам уни ўз саройига